

## **маҳаллий бюджет – маҳаллий бошқарув органларининг асосий молиявий манбасидир**

**Гафуров У.А.-Ўзбекистон банк-молия академиясининг тингловчиси  
Юлдошева Ш.А.-ҚарМИИ “Иқтисодиёт” кафедраси ассистенти  
Носиров Э.Б.-ҚарМИИ 2-курс магистранти**

### **АННОТАЦИЯ**

*Ушбу мақолада маҳаллий бюджетни шакллантиришда маҳаллий бошқарув органларининг роли, мол-мулк солигининг ундирилиши, ушбу солиқ турларидан фойдаланиш, бюджетлараро муносабатлар ва минтақа бюджетнинг асосий даромад манбалари тўғрисидаги фикрлар келтирилган.*

**Калит сўзлар:** маҳаллий бюджет, маҳаллий бошқарув органлари, мол-мулк солиғи, даромад манбалари

### **АННОТАЦИЯ**

*В статье уделено значение основным источникам регионального бюджета и бюджетных отношений, изъятие имущественного налога, использованию этих видов налогов, роли местных органов управления в создании местных бюджетов.*

**Ключевые слова:** региональный бюджет, бюджетных отношений, имущественного налога, источникам дохода, местных органов управления

### **ANNOTATION**

*In this article, the role of local budget organs, taxing from property, using thee types of taxes, interbudget relations and regional budget's main income sources for the creating the local budget have been given.*

**Keywords:** regional budget, budget relations, taxes for property, income sources, local governing organs

Маҳаллий бюджетлар орқали ижтимоий истеъмол фондлари алоҳида маъмурий-худудий бирликлар ва аҳолининг турли ижтимоий гуруҳлари орасида тақсимланади. Шу билан бирга, маҳаллий бюджетдан маҳаллий саноат, озиқ-овқат саноати, коммунал хўжалик каби аҳоли турмуш даражасини яхшилашга йўналтирилган ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари ҳам молиялаштирилади.

Бозор иқтисодиётига ўтаётган айрим мамлакатларда маҳаллий ҳокимият органларининг мустақилликлари чекланган бўлиб, улар марказий ҳукумат томонидан ажратилган воситаларни ҳаражат қилишгагина масъулдирлар. Лекин бошқа кўплаб мамлакатларда маҳаллий бошқарув органлари учун ўз худудларида белгиланган мезонлар бўйича солиқлар йиғиш ва уларни ҳаражат қилиш ваколатлари берилган. Жумладан, Россия фискал федерация характериға эға бўлиб, унинг таркибидаги субъектлар кенг молиявий автономияға эғадирлар. Маҳаллий ҳокимият органларининг ялпи давлат ҳаражатлари таркибидаги улуши турли мамлакатларда турлича. Жумладан, бу кўрсаткич Хорватияда 15%ни, Россияда 50%ни, Ўзбекистонда 58%ни ташкил этади.

Худудий ҳокимият органларига (улар трансфертлар бўладими, солиқ тушумларидан худудда қоладиган улушми ёки маҳаллий солиқлар бўладими)

ўз харажатларини молиялаштириш манбалари талаб этилади. Бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатларнинг ҳукуматлари одатда маҳаллий ҳокимиятлар учун солиқ тушумларининг улушини ва ҳудудларнинг ўз даромадлари ҳажмини чеклашга ҳаракат қиладилар; шу билан бирга, маҳаллий солиқлар ставкасини ёки уларнинг солиққа тортиш базасини белгилаш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

Мол - мулк солиғининг маҳаллий бюджетдаги роли алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади. Мол - мулк солиғи солиқ соҳасидаги ислоҳотлар натижасида маҳаллий ҳокимият органлари учун мўлжалланган ягона салмоқли солиқ тури бўлиб қолмоқда. Айни пайтда, мазкур солиқ турининг имкониятларидан тўла фойдаланиш учун ҳали кўп иш қилиниши зарур. Уй-жой фондининг каттагина қисми ҳамон давлат ёки коммунал мулки бўлиб қолмоқда. Ҳақиқий баҳо белгилаш имкониятини берувчи уй-жой бозори эса энди шаклланимоқда. Бундан ташқари, уй-жойларнинг ҳақиқий нархини аниқлаш учун аввало уларни қайта баҳолаш лозим. Ҳозирги пайтда техник инвентаризация бюрolari (БТИ) ҳужжатларида қайд этилаётган нархлар объектнинг инфляция шароитидаги ҳақиқий баҳосини кўрсатмаётир.

Маҳаллий ҳокимиятларнинг ўз солиқ даромадларига кўшма солиқлар даромадлари ҳам қўшилади. Солиқ даромадларининг тақсимооти чоғида ҳудудий органлар улушларининг доимий белгиланиши уларнинг даромад олишга бўлган ишончини оширади. Лекин кўп ҳолларда даромадлар улуши мунтазам бўлмай, йилдан йилга ўзгариб туради. Бу эса ҳудудий органларни ҳукумат олдида муте қилиб қўяди.

Ҳудудий органларнинг ўз даромадлари ва давлат ялпи даромадларидаги улуши уларнинг харажатларини тўла қопламайди. Натижада, пайдо бўлган камомадни қисқартириш учун марказий ҳукумат томонидан трансфертлар олиш зарурати туғилади. Мамлакатдаги мавжуд трансферт тизими орқали ҳукумат ҳудудий органлар учун давлат хизматлари стандартларини белгилайди ва уларнинг бюджет таъминотини тенглаштиришга ҳаракат қилади. Лекин амалда, солиқ даромадлари ва трансфертларнинг умумий суммаси ҳар доим ҳам бюджет харажатларини қоплаш учун етмайди.

Бюджетлараро муносабатларда узоқ йиллар давомида шаклланган бюджет тизими ва унинг механизми маҳаллий ҳокимият органларини ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш йўллари қидириб топишдан кўра, қандай бўлмасин, давлат даромадлари ва солиқларидан маҳаллий бюджет учун норматив ажратмаларини оширишга ҳаракат қилишларини рағбатлантириб келди. Чунки “бошқариладиган” даромадларнинг ажратма фоизлари узоқ муддатли бўлмай, балки ҳар йили қайтадан тасдиқланади. Бунинг устига “бириктирилган” даромадлар режалаштириладиган йил учун камайтирилиши мумкин. Шу билан бирга, йилнинг бошида қолган бюджет маблағларининг эркин қолдиқларидан жорий йилнинг харажатларини қоплашга ишлатилганидан қолган қисми йилнинг охирида юқори бюджетлар томонидан олиб қўйилади.

Мамлакатимиздаги мавжуд хусусиятлар ва жаҳон тажрибаларидан муштарак фойдаланган ҳолда, бозор иқтисодиёти шароитида маҳаллий бюджетни шакллантиришнинг янгича тамойиллари ишлаб чиқилиши лозим. Бу

тамойиллар қуйи бошқарув органларининг энг зарур харажатларини қоплаш кафолатини берадиган эмас, балки муайян даромадлар келтирадиган бюджетни ташкил этишга асосланиши керак. Тажриба шуни кўрсатадики, турли даражадаги бюджетлар ўртасида даромад манбаларининг қонуний тақсимланиши қуйи бюджетлар манфаатдорлигини оширади.

Солиқ кодексида барча солиқлар турлари системалаштирилиб, улардан ҳар бирининг ҳаракат қилиш шартлари аниқланган. Тўғри солиқларда солиқ тўлашнинг бир қанча режимлари кўзда тутилади:

- асосий хўжалик субъектлари фойда солиғини тўлайдилар;
- кичик корхоналар учун солиқ тўлаш шартлари соддалаштирилган бўлиб, улар учун ягона солиқ жорий этилган;
  - савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ялпи даромад солиғи тўлайдилар;
  - банклар, суғурта ташкилотлари, видео салонларга - даромад солиғи тўлайдилар.

Иқтисодчи олим Фридман Милтон таъкидлаганидек: “Ўртача иқтисодий кўрсаткичларни прогнозлаштириш – бу сузишни билмайдиган одамни чуқурлиги тўрт футдан ошмайдиган дарёдан хотиржам сузиб ўтишига ишонтиради”.


Маҳаллий бюджетларнинг харажатларида хўжалик субъектларини ривожлантириш учун воситалар ажратиш кўзда тутилмайди. Бу эса, янги корхоналар ташкил этиш, аҳолини иш билан таъминлаш, истеъмол ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва шулар орқали маҳаллий бюджетни янада тўлдириш имкониятларидан тўла фойдаланмасликка, бу ишларга бошқарув органларининг бефарқ муносабатда бўлишига олиб келади.



Маҳаллий бюджетлар асосан маҳаллий харажатларни, яъни қишлоқ туманларида аҳоли учун муҳим бўлган тадбирларни молиялаштиради.

Ўзбекистонда маҳаллий харажатлар асосан пенсия, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва ижтимоий тадбирларга сарфланади.

Минтақавий бюджетни тузишда асосий методларидан бири бу минтақа иқтисодиётининг ривожланишини турли хил вариантларда прогнослаштиришдир.



**Худудий ривожлантириш бюджетининг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:**

1. Минтақа иқтисодиёти учун муҳим (устувор) бўлган инвестиция лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишни рағбатлантириш
2. Минтақа иқтисодиётини ривожлантириш бўйича зарур дастурий тадбирларни молиялаштириш.
3. Юқори самара келтирадиган худудий инвестиция лойиҳаларни амалга оширишда банк ёки хорижий кредитлар бўйича давлат кафолатини бериш



**Минтақада молиявий муносабатларнинг бошқарувидаги асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:**

- минтақа ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг материал ва молиявий мувозанатлилигини таъминлаш;
- бўш молиявий ресурсларни мобилизация қилиш;
- аҳолии пул даромадлари ва истеъмол бозор имкониятлари ўртасидаги мутонасибликни таъминлаш бўйича назорат ўрнатишдан иборат.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Алимходжаева Н.Э. “Истеъмолчилар бозорини сегментлашнинг назарий-услубий асослари.” “Халқаро молия ва ҳисоб” электрон журнали. №1, февраль, 2017 йил.
2. Ибрагимов.Р.Г.Маркетинг.Т.:Шарқ,2002й.
3. Багиев Г.Л. и др. Маркетинг. Учебник. Спб.:Питер, 2008, - 83 стр.